Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 20-avgust, №36 (592)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

## 27 ТОННА БУҒДОЙНИНГ УВОЛИ



***Юқоридаги ушбу "тарих"дан кўрдикки, икки вилоятда қонунни, қонунийликни ҳимоя қилиши керак бўлган ҳуқуқшуносларнинг бири "Али" деса, иккинчиси унга зид "Вали" депти. Ҳайрон бўласиз: улар бошқа-бошқа қонунларни ўқишганми, бошқа-бошқа қонунларга амал қилишадими?***

⇨ 2-бет

## БОБУРШУНОСЛИК: ЮТУҚЛАР ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР



***"Бобурнома"нинг жаҳон тиллари таржималаридаги жиддий нуқсонларни тезроқ бартараф этиш муаммоси ҳам муҳимдир. Чунончи, биз атоқли таржимон, таржима ишининг мумтози, араб, форс ва туркий тиллардан энг нодир асарларни таржима қилган Михаил Александрович Сальени "Бобурнома"нинг моҳир рус таржимони сифатида танийимиз.***

⇨ 5-бет

## "ЎЛИМИМ ҲАҚИДА ТАЪЗИЯНОМА ЧОП ЭТИЛМАСИН"



***Камтарона, одми яшашга интилган улуғ ёзувчининг ҳаёт йўли, дунёқараши Шарқ файласуфлари таълимотини эсга туширади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди, албатта. Улуғ ёзувчи Шарқ тарихи, фалсафаси, диний таълимотларини чуқур ўрган ган эди.***

⇨ 6-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз ҳукуматига Жанубий Осетиядаги ҳарбий можаро оқибатида жабрланган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 250 минг АҚШ доллари ажратишни топширди.**
**Турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шунингдек, озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак ҳамда энг зарур товарлардан иборат инсонпарварлик юкини етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди.**

- **Мамлакатимизда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда ўн беш миллион нафар юртдошимиз иштирок этди.**

- **Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро молия корпорацияси раҳбари Ларс Тунелл бошчилигидаги делегация 18 август куни "Ўзбек лизинг интернэшнл АЖ" халқаро лизинг компанияси бош директори Зафар Мустафоев билан учрашди. Учрашувда "Ўзбек лизинг интернэшнл АЖ" халқаро лизинг компанияси билан Халқаро молия корпорацияси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга молиявий ёрдам кўрсатиш учун уч миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни назарда тутади.**
**Делегация аъзолари қатор вазирлик ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди.**

- **Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий санъатимиз ва маданиятимизни янада ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришдек эзгу ишларда навқирон иқтидор соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**
**15 август куни "Истиқлол" саройида 15 нафар совриндорга "Ниҳол" мукофоти тантанали равишда топширилди ва лауреатлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.**

2008 – ЁШЛАР ЙИЛИ




## Истеъдодлар учун яна бир имконият

Юртимизда ўз салоҳиятини намойиш этаётган иқтидорли ёшлар нафақат 2008 – Ёшлар йилида, балки мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келинади. Хусусан, бу борада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Яқинда қуриб битказилган "Ёшлар ижод маркази"нинг фойдаланишга топширилиши ҳам эзгу амалларнинг давоми бўлди. Марказда ёш иқтидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ёшларимизнинг келажакдаги улкан ғалабаларини таъминлаши шубҳасиз.

Шунингдек, куни кеча янги иш бошлаган "Ёшлар ижод маркази"да "Навқирон Ўзбекистон" анъанавий ва замонавий санъат республика фестивалининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Барҳаёт БАХТИЁРОВ**

АЙТГАНЧА

## Ғолиблар аниқланади

2008 йилнинг 22 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносида республика Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" танловининг якуний босқичига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади. Унда ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ва ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат асарлари, кино санъати асарлари номинациялари бўйича танлов ғолиблари эълон қилинади.

**31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ ОЛДИДАН**

# Шаҳидлар ёди

*Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.*

**Ислом Каримов**

### ТАРИХИЙ КУН

2000 йилнинг 12 май куни. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув ёқасида жойлашган майдон. Президент Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими. Ёдгорлик атрофи тумонат одам билан тўла. Президент қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуини очиб, қарийб 150 йил давом этган мустамлакачилик даврида жафокаш халқимиз бошига тушган оғир синовлар, мусибатли кунлар тўғрисида ҳаяжон билан сўзлар экан, ҳозир бўлганларнинг хаёлида кишилар "ойнинг ёруғ ўн беши" келганидан беҳад бахтли эдилар. Қатағон даври жабрдийдалари хотирасининг эъзозланиши ва абадийлаштирилишига қаратилган мақолалар, чиқишлар, интервьюлар матбуот, радио ва телевидениенинг бош мавзуларидан бирига айланди. Маҳалла ва ташкилотларда мудҳиш даврнинг аччиқ тузини тотган кишиларга бағишланган хотира кечалари ўтказилди. Суяклари собиқ иттифоқнинг совуқ ўлкаларида қолган, республикамизнинг махфий қатлгоҳларда отиб ташланган аждодларимизни давлат ва умумхалқ миқёсида ёдлаш ишлари бошланиб кетди.



мудҳиш давр воқеалари бирма-бир жонланар, ким отасини, ким бобосини, ким бошқа бир яқин қариндошини кўз олдига келтирар ва бу ҳол уларнинг кўзларидан маржон бўлиб тўкилаётган кўз ёшларидан аён бўлиб турарди. Ана, рамзий сағананинг яқинида турган машҳур композитор Мутал Бурҳонов. Унинг акаси, икки амакиси ва поччаси Фитрат 37-йилнинг қурбонлари бўлишган. Агар ўша мудҳиш кунларда у Москвага кўчиб кетмаганида, ўзи ҳам уларнинг фожиали тақдирига шерик бўлган бўларди. Мутал Бурҳоновнинг ёнида Абдулла Қодирийнинг қизи Адиба ая, унинг ёнида Чўлпоннинг жиянлари Рафиқахон ва Ҳотамжон, уларнинг ёнида эса Баҳром Ҳайдарийнинг ўғли Нажот ва бошқалар туришибди. Уларнинг ҳаммаси учун бу кун — ҳам мотам куни, ҳам жабрдийда аждодлари хотирасининг абадийлаштирилаётган куни. Шунинг учун улар қалби ва шуурида икки хил туйғу баравар мавжланиб турибди.

Ушбу унутилмас кундан роппа-роса бир йил аввал Президент И.А. Каримовнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича тарихий Фармойиши эълон қилинган эди. Фармойиш телевидение орқали эълон қилиниши билан қатағон қурбонларининг оила аъзолари севинчларини ичларига сиғдира олмай, бир-бирларига қўнғироқ қилиб, тарихий адолатнинг тиклана бошлагани билан табриклашди. Эртасига мазкур масала билан шуғулланувчи жамоатчилик комиссияси жойлашган хона улар билан тўлиб-тошиб кетди. Куни кеча "халқ душманлари"нинг қариндош-уруғлари бўлганлиги учун хўрланган ва инсоний ҳуқуқлари топталган

### ОЧИЛГАН "ТЕМИР САНДИҚ"ЛАР

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июль куни қабул қилган қарори асосида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилди. Жамғарма гарчанд қатағон қурбонларининг оила аъзоларига, айримлар ўйлаганидек, моддий ёрдам кўрсатиш ёки кўча ва мактабларни улар номи билан аташ имконига эга бўлмаса-да, "темир сандиқ"лари очилган республикамиз архивларида кўз нурлари билан бирга кўз ёшларини ҳам тўкиб, тақдири номаълум бўлиб келаётган юзлаб кишиларнинг фожиали ҳаётига оид маълумотномаларни етказиб берди. Совет давлатида ўрнатилган тартибга кўра, қатағон этилган шахс тарихдан буткул ўчирилар ва уларнинг кейинги тақдири оила аъзолари учун қоронғи бўлиб қоларди. Шунинг учун ҳам, аввало, Юртбошимиз номига, қолаверса, жамғарма номига қуйидагидек хатлар ёғилиб келди:

"Менинг ёшим олтмиш еттида. Отам Иномбой Холйигитов қассоб бўлган... НКВД ходимлари отам яшаган Чортоқ тумани Айқирон қишлоғидаги уйида тинтув ўтказиб, унинг бор мулкини олиб кетишган. Уй-жойимизни тортиб олиб, колхозга беришган. Мен у пайтларда уч яшар бола бўлганман. Отамни "шўро ҳукуматига қарши миллатчи унсур" сифатида қамоқ жазосига ҳукм қилишган... Онамнинг этагида тўрт гўдак, уй-жойдан айрилиб, дарбадар кўчада қолганмиз. Акам, укам ва синглим очлик ва касаллик туфайли ўлиб кетган.

2»

СУҲБАТ

## Мен нечун севаман Ўзбекистонни?..

**Она-юртни куйламоқ ҳар бир ижодкор учун улуғ саодат. Ҳар қандай тузумда ҳам халқ манфаатини ўйлаб, адолатни тараннум этмоқ эса чинакам қаҳрамонликдир. Бундай шараф ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди.**

**Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг шеърларини ёд олмаган, сўзи куй-қўшиққа кўчганда юракдан тингламаган бирорта юртдошимиз топилмаса керак.**

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, севимли шоиримиз Абдулла ака билан суҳбатимиз ҳам Ватанимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрами — мустақиллик арафасида бу дориломон кунлар халқимиз ҳаётида нечоғли аҳамиятга эга эканлиги, ҳурриятнинг буюк қадр-қиммати ҳақида кечди...**

***— Абдулла ака, чинакам шоир доим замондан илгари содир бўлажак воқеаларни бошқалардан кўра теранроқ англаб, ўз вақтида муносабат билдиради. Анча йиллар бурун «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли шеърингизни ёзгансиз. Бу халқимизнинг бугунги ҳурриятли кунларига етишини орзу қилиш ҳисси туфайли дунёга келган бўлса керак?***

— Халқимизнинг, Ватанимизнинг бардавом келажагини, нурли истиқлолини менимча мантиқ белгилайди. Аслида адолатнинг оёқ ости бўлиши мантиқнинг бузилишидир. Мантиқан Ўзбекистон ўз ҳурриятига эга бўлишга ҳақли эди. Инсоният генетикасида шундай ғалати туйғулар мавжудки, бу туйғулар яхлит армон ва умид устига қўйилиши ҳам мумкин. Шўро тузумида бизнинг қалбимиздаги армон яхлит шундай эди. Ватанни озод кўриш эди биздаги истак. Ўша даврда бу ҳақида ўйлаш учун ўткир оптимист бўлиш керак бўлгандир, лекин ҳар ҳолда юрагимизда умид, ҳаракатимизда шашт бор эди. Сиз юқорида таъкидлаган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеъри бундан 35 йил илгари ёзилган. У даврда Ўзбекистоннинг пахтаси учун, олтини учунгина "ҳурмат" қилишган. Ҳолбуки, ўша пахта ҳам меники, олтин ҳам. Аммо мен нима учун севаман Ўзбекистонни! Агар музликларда яшаган бўлсанг ҳам, халқим, мен чукча ё ёкутга ўхшаган бўлганимда ҳам сен учун жонимни берар эдим-ку, деган мухолиф кайфият билан ёзилган эди-да.

4»

ДУНЁ СИЁСАТИ



*Жорий йилда Италия ҳудудида келаётган ноқонуний муҳожирлар миқдори ўтган йилга қараганда икки бараварга ошган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, жорий йилнинг дастлабки ярим йили даврида Италия орқали Европанинг бошқа ҳудудларига киришга уринган 15 мингдан ошиқ муҳожир тўхтатиб қолинган. Шимолий Африка давлатлари вакиллари бўлган мигрантлар Италияга Ўрта ер денгизи орқали қайиқларда сузиб келишган.*

## Италия ноқонуний миграцияга қарши

Шу муносабат билан Италия бош вазири Сильвио Берлускони ноқонуний миграцияга қарши кураш кампанияси эълон қилди. Ана шу мақсадда чегарани ноқонуний равишда кесиб ўтиш учун жавобгарлик тўрт йилгача қамоқ билан жазоланадиган бўлди.

Маълумотларга кўра, Италияда ноқонуний муҳожирларни ўз ватанларига юбориш (депортация) жараёни ўтган йилнинг айни шу даврига қараганда 15 фоизга ошган. Бироқ кўп ҳолларда мамлакатларнинг ўз фуқароларини қабул қилишни рад этаётганлари вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

Италиянинг соҳилбўйи ҳудуди Африкадан Европага келаётган мигрантлар учун дастлабки чегара назорат пункти саналади.

5»

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## Бугуннинг нафаси

■ **Шаҳрихон туманидаги Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 48-мактабнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Дастурга мувофиқ вилоятдаги 746 та умумтаълим мактабида капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ўнта янги мактаб бунёд этилиши мўлжалланган. Ўтган ўқув йиллари давомида 360 мактаб мукаммал реконструкция ва жорий таъмирдан чиқарилди. Бу йил эса 144 таълим муассасасида ана шундай ишлар бажарилди.**

■ **Хатирчи тумани бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, улар учун янги иш ўринлари очиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Ўтган йили марказ кўмагида 1300 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланган бўлса, шу йилнинг олти ойида 600 нафарга яқин ёшлар ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди.**

■ **Наманган шаҳри марказида ёш оилалар учун ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган иккита кўнқаватли турар-жой биноси барпо этилаётир.**
**Бу йил вилоят ишчи гуруҳига тақдим этилган 76 ёш оиланинг аризаси атрофлича ўрганилиб, тез кунларда улардан 64 оилага янги уйларнинг калити топширилади.**

■ **Сурхондарё вилояти Денов туманида катталар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "СМАТ-ДТК" корхонаси иш бошлади. «Пахтабанк»нинг туман бўлими ажратган кредит эвазига замонавий технология билан жиҳозланган корхонада эллик киши меҳнат қилмоқда.**

■ **Айни пайтда Сирдарё узра Наманган ва Андижон вилоятларини бирбири билан боғлайдиган янги муҳташам кўприк барпо этилмоқда. Узунлиги уч юз, кенглиги ўн метр бўлган мазкур иншоот тўрт қатор транспорт қатнови учун мўлжалланган. Сирдарёнинг икки соҳилини бир бирига туташтирувчи янги кўприк Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарлари орасидаги масофани йигирма километрга қисқартиради.**

■ **Навоий вилоятининг Конимех тумани марказида полипропилин қоп ишлаб чиқариш заводи ишга тушди. Заводда кунига 15-20 минг дона қоп тайёрланиб, «Навоийазот» очиқ акциоперлик жамиятига етказиб берилади. Бу ерда 60 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.**

■ **"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси доирасида Андижон вилоятига саломатлик автопоездини жўнатди. Автопоезд вилоятга умумий қиймати 40 миллион сўмдан ортиқ кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена товарларини етказиб беради.**
**Жорий йил бошидан буён ташкилот мамлакатимизнинг турли ҳудудларига 20 та саломатлик поезди ва автопоездини жўнатди.**

■ **Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилганлигининг 50 йиллигига ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Электрокимё заводи ҳудудида шифер ишлаб чиқарадиган кичик корхона ишга туширилди. «Реком плюс» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган корхонада «Қизилқумцемент» очиқ акционерлик жамиятининг хомашёси – цемент ва асбестдан замон талабига мос, иссиққа чидамли шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада ойига 30 минг дона сифатли шифер ишлаб чиқарилмоқда.**

■ **Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида ёш ижодкорларнинг анъанавий "Ақчакўл илҳомлари" анжумани бўлиб ўтди.**
**"Ақчакўл илҳомлари" анжумани ғолибларига Олий адабиёт курсига йўлланмалар топширилди.**

**Зиёда БАХТИЁРОВА**

# Шаҳидлар ёди

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Кейин онам вафот этди..." (Шамсиддин Иномов хатидан).

"Ўттизинчи йилларда ноҳақ қамалган ва қатағонга учраган кишилар орасида менинг отам ҳам бор. 1937 йилнинг бошларида отам Обид Усмонов укасиникига борган вақтида НКВД ходимлари ушлаб, олиб кетишган. Дадамга қандай айб қўйишган, неча йилга қамашган ва у қачон вафот этган, буни аниқ билмайман..." (тошкентлик Матлуба Обидова хатидан).

"1937 йилнинг кузида отам Меҳмонхон Музаффаровни ҳибсга олишган. Уйчидаги клубда отам ва яна бир неча киши суд қилинган, ҳаммасига олий жазо белгиланган...

Мен 1948 йили Тошкентдаги ҳуқуқшунослик билим юртига ўқишга бордим. Ҳатто пахта теримига ҳам бориб келдик. Бир куни директор мени кўққисдан ўз хонасига чақириб қолди. Ичкарида бир неча бегона кишилар ҳам бор экан. Улар мендан: "Отанг қамалганми?" - деб сўращди. "Ҳа, лекин кейинчалик оқланган", - дедим мен. Улар бошқа гап айтишмади, кетишди. Шундан сўнг мени ўқишдан ҳайдашди..." (Саид Музаффаровнинг хатидан).

Бундай хатларнинг барчасида оталарининг нима учун қамалгани, қачон ва қаерда вафот этгани тўғрисида маълумот бериш ва, агар имкон бўлса, суратларини юбориш сўралган эди.

Бундай хатларни кўз ёшисиз ўқиш қийин эди. Ундан ҳам қийини шундай хатларнинг эгаларига бирор маълумотнома топиб юбориш учун тегишли архивларда ўтириб, бекордан-бекорга қамалган, туҳматдан иборат сўроқномаларга қўл қўйдириб олиш учун бошига бало тошлари ёғдирилган, отувга ёки узоқ муддатли жазога ҳукм қилинган маҳбусларнинг кўз ёшлари билан доғланган тергов ҳужжатларини ўқиш эди. Шунга қарамай, жамғарманинг Рустам Шамсутдинов, Холида Аҳророва, Шерали Турдиев, Сирожиддин Аҳмедов сингари фидойи фаоллари саъй-ҳаракати билан жабрдийда ватандошларимиз хотирасини абадийлаштирувчи ўнлаб рисола ва китоблар, юзлаб мақолалар эълон қилиндики, бунинг учун камина собиқ ҳамкасбларимдан чексиз миннатдорман.

### УЙҒОҚ ХОТИРА МАСКАНИ

2001 йилнинг 1 май куни Президент И.А. Каримовнинг янги Фармони эълон қилинди. Шу қарорга кўра, 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб белгиланди. Шу йилдан бошлаб Мустақиллик байрами арафасида ўтказила бошланган Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими халқимизнинг миллий анъана ва миллий қадриятларидан бирига айланди. Мазкур Фармонга мувофиқ, ўша йилнинг 31 август куни "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи очилди.

Ўша вақтда собиқ совет республикаларининг бирортасида бундай музей ҳали ташкил этилмаган эди. Фақатгина Ригада "Латиш ўқчилари" музейи қайта қурилиб, "Латвиянинг босиб олиниши" музейи сифатида фаолият кўрсата бошлаган эди, холос.

Қатағон қурбонларининг уйларида қарийб бирорта сурат, ҳужжат, китоб ва бошқа буюмлар қолмагани, шахсан уларга тегишли мол-мулк мусодара қилингани ва йўқ қилиб юборилгани сабабли музей экспозициясини яратиш ишлари осон кечмади. Жамғармага амалий ёрдам бериб турган Миллий хавфсизлик хизмати архивидаги "дело"лар орасида ҳам, асосан, жабрдийдаларни айблаш мақсадида тўпланган ҳужжатлар, мусодара қилинган кийим-бош ҳамда мол-мулк рўйхатидан ташқари, музейбоп экспонатлар мутлақо йўқ эди. Маҳбусларнинг суратларини олиш иши эса асосан Тошкентда 1937 йилдан бошлабгина жорий этилган. Ҳар куни юзлаб кишилар қамоққа олинган "долзарб" ойларда эса, сураткаш уларнинг суратларини олишга жисмонан улгурмаган. Шундай қийинчиликларга қарамай, қисқа муддатда музей экспозицияси барпо этилди. XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёнинг, жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг босиб олинишидан то Мустақилликкача бўлган даврда рўй берган жабр-зулмлар, миллий-озодлик ҳаракатларининг шафқатсизлик билан бостирилиши, Совет мустабид давлати олиб борган ички сиёсатнинг фожиали оқибатлари ўзининг озми-кўпми ифодасини топди. Жамғарма фаоллари олиб борган илмий изланишларининг натижаси сифатида экспозиция янги материаллар билан бойитиб борилди. Музейда ўтказилган турли учрашув ва суҳбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, умри бино бўлиб ҳали "қатағон" сўзини эшитмаган, қариндош-уруғларининг, ватандошларининг большевиклар ҳукмронлик қилган даврда Украина, Шимолий Кавказ ва Сибирга, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг кимсасиз даштларига сургун қилингани, Соловец ороларидан то Колимагача бўлган "меҳнат-тузатув лагерлари"да азоб-уқубат чекканини билмаган ёшлар ҳайратга тушдилар. Музей уларнинг мустақиллик билан мустамлакачилик даврлари ўртасидаги осмон билан ердек фарқни кўришларига, мустақиллик даври қадриятлари ҳурмат билан муносабатда бўлишларига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшди.

Аммо ҳаёт дарёси тинимсиз оқиб, кечаги ютуқлар оддий ҳодисага айланиб боради. Шундай бир шароитда Президент И.А. Каримов музей ишини тамомила қайта қуриш ғоясини ўртага ташлади. Юртбошимиз ғоясига кўра, музейнинг торлик қила бошлаган экспозиция залини кенгайтириш, янги бино қуриш, экспозицияни замонавий тарих фани ва дизайн санъатининг сўнгги ютуқлари асосида қайта яратиш, музейни Британия музейи сингари дунёдаги энг машҳур музейлар даражасига кўтариш лозим эди. Бу, мустақиллик йилларида мамлакатимиз тараққиётида бошланган янги даврнинг талаби эди. Бу эзгу ишлар шахсан Юртбошимиз раҳномоликларида амалга оширилмоқда.

### МУЗЕЙНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Мустақилликнинг 17 йиллик байрами арафасида Президент И.А. Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" деган янги асари майдонга келди. Бу асарда олға сурилган ғоялар марказида гарчанд кишиларнинг маънавий олами, жамиятнинг маънавий қиёфаси турган бўлса-да, унда ҳозирги жамият учун муҳим ҳисобланган барча муаммо ва масалалар ўз тажассумини топган. Президент И.А. Каримов ушбу асарида маънавият муаммосининг барча қатламлари ва барча муҳим қирраларини нурлантирар экан, жумладан, бундай деб ёзади:

"Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодининг бутун қилишида ёрқин намоён бўлади.

Узоққа бормасдан, халқимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди".

Юртбошимизнинг мана шу пурҳикмат сўзлари музейнинг янги экспозициясини яратишда дастуриламал вазифасини ўтади. Музейнинг аввалги экспозицияси бир мақсадга — халқимизнинг мустамлакачилик йилларида чеккан жабр-жафоларини қатағон этилган ватандошларимизнинг фожиали қисмати орқали кўрсатишга қаратилган эди. Бу, ўз вақтида тўғри бўлган. Шундай мақсад билан яратилган экспозиция маълум вақт ўз вазифасини бажарган. Аммо ҳозирги давр жамият олдига ва жамиятнинг пешқадам кишилари олдига халқ маънавиятини шакллантиришнинг янги вазифаларини қўйдики, бу "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ҳам тўла тааллуқли. Шунинг учун янги экспозицияни яратишдан бу сафарги мақсад халқимизнинг 150 йиллик кишанли йўлни, мусибат ва фожиалар даврини босиб ўтишда ўз иймон-эътиқодини, ўзлигини сақлаб қололганини акс эттириш бўлди.



Шу мақсадда истилочилик ва қирғин-қатағон даври тарихини акс эттиришда эркесевар ва ҳурриятпарвар аждодларимизнинг ватанпарварлик, тараққийпарварлик йўналишидаги фаолиятига, фидойилик фазилатларини кўрсатишга урғу қаратилди.

Қандай ажойиб-а! Ташқарида чор миршаблари ҳар қандай янгилик, ҳурриятсеварлик кўринишларини бўғишга шай бўлиб турган пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний сингари халқимизнинг буюк фарзандлари янги мактаб, замонавий адабиёт, миллий матбуот ва театрга пойдевор қўйиб, улар орқали халқнинг мудроқ кўзларини очишга, қалби ва шуурига Эрк, Озодлик, Миллий Тараққиёт деган муқаддас ва ҳаётбахш ғояларни қуйишга интилганлар. "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг сарварлари Файзулла Хўжаев ва Фитрат нафақат чириган амирлик тузумини ислоҳ этиш, балки халқни миллий бирлик ва миллий тараққиёт йўлидан етакламоқчи бўлганлар. Бу тараққийпарварлар ўзаро бирлашиб, 1922 йилда етмиш нафар ёш йигит ва қизларни Европанинг ўша пайтдаги энг илғор мамлакати – Германияга ўқишга юборганлар. Улар ниятига кўра, шундай ёшлар бир неча йил давомида мустақил ўзбек давлатини идора эта биладиган юқори малакали мутахассислар бўлиб етишиши мумкин эди. Улар халқнинг иймон-эътиқодини, ўзлигини сақлаб қолиши йўлида жонларини фидо қилганлар.

Шубҳасиз, бундай масалаларни фақат экспозиция орқалигина ифодалаш маҳол. Шунинг учун ҳам музейга ташриф буюрувчи кишилар, экспозициядан ташқари, монитор орқали ҳар бир бўлим моҳиятини ифодаловчи видеофильмни томоша қиладилар, экспозициядан олинган тасаввурни бойитувчи мульти-медиа ва ахборот базаси билан танишадилар. Бундан ташқари, музейнинг учала залида намойиш этилган экспонатлар, суратлар, ҳужжатлар, хариталар, буюмлар, макетлар орқали экспозицияда акс эттирилган тарихий давр тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қиладилар, ҳар бир бўлимнинг мазмун ва моҳиятини чуқур англаш имкониятига эга бўладилар.

Сир эмас, музейнинг янги экспозициясини замонавий музейшунослик ва дизайн талаблари асосида тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академиясининг етакчи мутахассислари қатор Европа мамлакатларига бориб, энг машҳур музейларнинг тажрибаларини ўрганиб келдилар. Виктор Вяткин бошчилигидаги рассом ва дизайнерлар музейнинг бадиий концепциясини ишлаб чиқиб, безак ишларини амалга оширдилар. Музейни янги экспонатлар билан бойитишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фанлар академияси тизимларидаги музейлар, шунингдек, Картография институти яқиндан ёрдам берди. Видеоролик ва мультимедиа матрериалларини тайёрлаш ва музейни 100 дан зиёд телевизион, ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг DVD-дисклари билан таъминлашда "Ўзбеккино" акциядорлик агентлиги, Телерадио давлат комитети ва Вестминстер университетининг хизматлари ҳам катта. Музей экспозициясини яратиш ишларида эса Фанлар академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон Миллий университетининг етакчи мутахассислари фаол иштирок этдилар.

Умид қиламизки, музейнинг 31 август куни очилажак янги бино ва янги экспозицияси зиёратчиларда, айниқса, келажагимиз меъморлари – ёш авлодда мамнуният ҳиссини уйғотади. Уларнинг юксак маънавият асосларини эгаллашлари, мустабид тузум даврида жабрланган ота-боболарининг ҳаётбахш анъаналари ва энг яхши инсоний фазилатлари руҳида тарбияланишларига ёрдам беради ва Мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги йўлида фидойиларча хизмат қилишга ундайди.

**Наим КАРИМОВ**

**СУРИШТИРУВ**

# 27 тонна буғдойнинг уволи

*Бугун фермер мамлакат иқтисодиётининг таянчи деяпмиз, фермерлар фахримиз, ғururимиз, дастурхонимиз тўкинлигию эл фаровонлиги фидойилари деяпмиз. Фермерлик ҳаракатига оид қатор қонунлару қарорлар қабул қилинди, унинг ҳуқуқий муҳофазаси шахсан Юртбошимиз томонидан Адлия вазирлигига топширилди. Мақсад — моддий неъмат яратаётган бу меҳнаткаш инсонларга биров халақит бермасин, бўлар-бўлмасга асабини бузиб, ишдан қўймасин! Бироқ...*



Бироқ, афсуски, мана шундай шароитда ҳам билибми-билмайми, фермернинг косасини оқартирмаслик йўлида унга тўғаноқ бўладиганлар онда-сонда учраб турибди. Масалан, Қоровулбозор туманидаги "Темир Мурод" хусусий бўрдоқичилик фермасига тегишли 9 гектар майдондаги 27 тонна буғдой ҳосили 2003 йилда оддий бир лўттибозликнинг қурбонига айланиб, ер билан яксон бўлди. Лўттибозликки, туман МТП ташкилоти шартномага кўра 23,8 гектар ердаги донни "CASE" комбайнида ўриб, ҳар гектар майдон учун 55996 сўм ҳақ олиши керак эди. Улар 11 гектар майдондаги ҳосилни ўрганда бўрдоқичилик фермасининг йиллик шартномавий режаси бажарилиб, қолган майдондаги ғаллани ўрмасдан «қуённинг расмини чизиб» жўнаворишди. Фермер у ёққа югурди, бу ёққа югурди, бефойда: на шартномани имзолаганларнинг комбайнини буғдойзорга келтиролди, на бошқа комбайн топди. Бу ҳудудда бошқа комбайн топишнинг ўзи амри-маҳол. Сабаби, бўрдоқичилик фермаси аҳоли яшаш масканларидан 25 километр узоқликда, қўшни Қашқадарё вилоятининг "Бўзачи" массивида — чўлу биёбонда жойлашган. Темир Муродов 1996 йилда туман ҳокимининг ўша йил 2 майдаги 70-сонли қарорига асосан ушбу хўжаликни ташкил қилганидан кейин чорвачиликни ривожлантириш, омухта ем захирасини таъминлаш мақсадида не азоблар билан 53 гектар ерни ҳосилдор майдонга айлантирди. Қип-қизил қум барханларидан иборат чўлда...

Шундай қилиб, МТПчилар ўрилмай қолган 12,8 гектар майдондаги ғаллани ҳам "ўрилди" деганга чиқариб, бажарилмаган бу иш учун ҳам фермернинг ҳисоб рақамидан бир дунё пулни "ечиб" олиб кетишди... 9 гектар майдондаги 27 тонна буғдой нобуд бўлди! Бу факт туман ўрим-йиғим ишини ташкил қилиш ва назорат олиб бориш гуруҳи аъзолари тузган далолатномада ҳам қайд қилинди.

Темир ака мадад сўраб Бухоро вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия фермер манфаатини кўзлаб Бухоро вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди.

Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарорида Қоровулбозор МТПдан "Темир Муродов" бўрдоқичилик корхонаси фойдасига 716996 сўм ортиқча олинган хизмат ҳақи, 2 млн. 632 500 сўмлик бой берилган фойда, жами 3 млн. 349 496 сўм ундирилиши белгиланди. Адолатли, қонуний қарор. Бироқ...

Орадан роса икки ой ўтиб, 2006 йил 6 сентябрда вилоят прокурори ўринбосари Ж.Низомовнинг имзоси билан юқоридаги қарорга протест ёзилибди. Унда Ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатиш сўралган. Демак, фермер МТПга бажармаган иши учун фалон юз минг сўм "ҳақ" тўлаб, бу ёқда 27 тонна буғдойи нобуд бўлиб чапак чалиб қолаверсин...ми?! Сув келтирган хор-зору, кўза синдирган азизми?

Одатда, прокурор протестини қаноатлантирмайдиган судьяни (агар ноўрин бўлса минг узр – Ш.Н.) кундузи чироқ ёқиб қидириш лозим. Бу иш бўйича ҳам ушбу киноя ҳаётийлиги тасдиқланди: апелляция босқич судининг 2006 йил 8 сентябрдаги Ажрими билан протест қаноатлантирилди. Нимага асосан, нима важ билан? "Темир Мурод" хусусий фермаси Темир Муродовга тегишли эканлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат йўқ эмиш!

Ё тавба, туман ҳокимининг хусусий фермани ташкил этиш ва унга 53 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарори-чи? Яна қанақа ҳужжат керак суд раисига? Прокурор тепадан қаламини ниқтаб турса оғизга келган важни қоғозга туширса бўлаверадими?

Албатта, яна шикоят ёзилди. Энди иш Самарқанд вилоят хўжалик судига юборилди. Судья Г.Абдукаримова ишни ҳар томонлама ўрганиб, 2007 йил 16 июлда холисона қарор чиқарди: фермер фойдасига жами 4 млн. 139 минг сўм ундириш — бунинг ичида МТП ноқонуний олган хизмат ҳақи бор, бой берилган фойда бор, 27 тонна нобуд бўлган буғдойнинг ҳақи бор. Яъни ҳуқуқий-демократик жамиятга хос ва мос қонуний қарор!

Йўқ, бу қарор ҳам кимларгадир ёқмади, қаноатлантирмади. Уларнинг хоҳишини "лаббай" деб бажарадиган ҳуқуқшунос ҳам чиқди: шу суднинг 2008 йил 19 майдаги қарори билан (судья О.Холмирзаев) юқоридаги суд ҳужжати бекор қилинди. Важни қаранг: "Темир Мурод" фермаси қишлоқ хўжалик ишлари бошланмасидан 10-15 кун илгари МТПни огоҳлантириши керак бўлган экан, шу ишни бажармаған эмиш...

Юқоридаги ушбу "тарих"дан кўрдикки, икки вилоятда қонунни, қонунийликни ҳимоя қилиши керак бўлган ҳуқуқшуносларнинг бири "Али" деса, иккинчиси унга зид "Вали" деяпти. Ҳайрон бўласиз: улар бошқа-бошқа қонунларни ўқишганми, бошқа-бошқа қонунларга амал қилишадими?

Майли, ҳар ким экканини ўради. Темир ака эса экқан буғдойини ҳам ўролмай қолди. Бу буғдойнинг — эл ризқининг уволи кимни уради — ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

Энг ачинарлиси, орадан қарийб беш йил ўтибди ҳамки, фермер қонуний ҳақини ололмай овораю сарсон. Унга сабр ва бардош ёр бўлсин!

**Шавкат НОСИРОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

# МАЪНАВИЯТ

МУТОЛАА

## «Руҳ булбули» хонишлари



**“Тириклик зийнати инсонга**
**бир манзил-макон этмоқ,**
**Жаҳонда неки жонлик бор**
**омонат бир маконликдир...”**

Дераза ортида оқшом қуюлди. Борлиқ жим. Бу сўнгсиз сукунатни фақатгина тириклик ҳикматини англаган руҳ қушининг нолаю фарёди бузди. Энди забонсиз қотган деворлар сокинлигида ҳам аллақандай ҳадик.

Умр қумсоати тугай бошлайди. Нотинч руҳ тушуниксиз туйғулар кезинади. Ҳаммаёқ ўлик сукунат. Фақат кўкракка сиғмаган юракнинг безовта товуши. Интизор муштоқлик. Инсондан ўтган барча омонатлар тирик сўзга айланади. Ҳавони чақмоқдек бир сўз кесади. Қоғозга эса изтироб тўкилади:

***Кўнглим ситамига чидамайдир,***
***Жонимки ғамига чидамайдир.***
***Гўёки пора-порадир таним,***
***Ғам йўқ, ҳар дамига чидамайдир.***
***Ё раб, нега у ҳамдамлиғ этмас,***
***Ё мен ҳамдамига чидамайдир...***
***Дунё иши кам, кўп этмоқ азал,***
***Ким жоҳил камига чидамайдир.***

Сўзлар қоғозни куйдирди. Туйғулар сатрларга ашкдек сизади. Бу шубҳасиз — шеър азоби! Шеър — ҳақиқат жарчиси. Сўз — муқаддас. Виждон амрини қоғозга кўчириш, сўз билан юзма-юз келиш осон иш эмас.

***Надур асли яшаб юрмоқни маъноси, аё дўстлар,***
***Фақат алдаш, аврашму дунёси, аё дўстлар.***
***Нетай, уқтирмади бир менга зебоси, аё дўстлар,***
***Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,***
***Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.***

“Тангри таоло ўз моҳиятини бир заррасидан Инсон руҳини яратди ва унга ҳусну жамол ато қилди. У руҳга Арш аълодан илм-маърифат нурларини берди. “Булар билан кўринмас оламларни кўрасан. Булар билан ҳақ йўлини топасан, деди” — дейди XXI аср араб шеърияти даҳоларидан бири Жуброн Ҳалил мансураларининг бирида.

Дарҳақиқат, руҳ Ҳақники. Руҳ юксалган сари моҳият мазмуни инкишоф топади. Ҳисда янада мукаммалашади.

***Жисм ўзимда, лек бу жоним сендадир,***
***Не мурувват бўлса, жоним сендадир.***
***Ошкор этмак сенинг ҳукмингдадир,***
***Барча сир-асрор ниҳоним сендадир...***

Ҳақ номига ёзилган мактуб. Ранглар ҳазин, лекин руҳият баланд. Сатрлардаги ҳайқириқ қонда гупиради. Олам синоатини англашга бўлган иштиёқ дунёда яралмишдан бошланган. Бу илоҳий туғёнларни юракка кўмиб яшашнинг ҳеч иложи йўқ. Шоир юрагидаги оғриқларни, дардларини қораламагунча тинчимайди. Қалби сатрларга кўчади, руҳи оҳангда жилваланади.

Сўз — мангу, шоир эса ўткинчи куйчи. Ижодкор мангу лаҳзаларни ушлаб қолгувчи, бутун қалб соҳиби. Халқ ва башарият дарди, кечмиши билан яшайди. Шу сабабдан унинг ўзи ҳам айтган сўзи қадар улуғланади.

Булбул 41 оҳангда сайрайди деган гап бор. Ундоқ бўлса руҳ булбули 1001 оҳангда, балки бесаноқ оҳангда хониш қилар экан-да. Бу ҳолат Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларидаги турфа оҳангда сайраб, ҳаммани ёндириб, сўнг ўзи ҳам ёниб кетадиган Қақнус образини ўқувчи ёдига солади. Девонга қўйилган ном шоир шеърияти манзараларига жуда лойиқ. Ҳар бир шеър мисли булбул, унинг овозига, хилма-хил наволарига қулоқ тутинг. Мана бу булбул эса ишқ-муҳаббатни таранну этмоқда:

***Боқса жоним, жонима ўтлар ёқар,***
***Боқмаса деймам қачон жоним ёқар.***
***Ҳар нигоҳ гўё ёруғлик рамзидай,***
***Кўзга кўз тушса мисол чақмоқ чақар.***

Яна бошқа бир шеъридаги сатрлар тиниқлиги кўнгилга хуш ёқади:

***Найлайки, суймай десам васлу висолинг суйдирар,***
***Суйганим ростдир десам ҳижрону хажринг куйдирар.***

Мана бу байтлардаги самимийлик эса киши қалбига ором бағишлайди:

***Сизни ўйлаймиз ҳануз биз, бизни ўйлайсизму сиз,***
***Ҳақингизда сўзладик кўп, бизни сўйлайсизму сиз?***
***Давраларда келдилар, деб қолсалар, бўй чўзаман,***
***Кўрсатиб қўйсам баногоҳ бўйни, бўйлайсизму сиз?***

Шоирнинг ҳар бир ғазали сюжетли, воқеабанд. Шул сабабки, маънога халақит берувчи ўринсиз сўз, ташбеҳ, муболағалар йўқ. Фикр яхлитлиги бор. Уни ўқувчи онгига бутун етказиб бериш Фарид ижодининг ўзига хослигидир. Дарвоқе, ғазалиётимизда нафис тавсиф, мақтов, лирик қаҳрамоннинг ташқи сифатини моҳирона чизиб бериш ҳоллари узоқ ҳукм сурди. Фарид Усмон ғазалларида эса сал бошқачароқ хусусият бор. Бу — ҳаёт воқелигини сурати ва сийрати, ички пайдо бўлиши аломатидир. Халқ тили ва унинг ранг-баранглиги кучидир. Шу жиҳатлари билан шоир ижоди, айниқса ғазаллари илмий таҳлилга тортилиши лозим. Чунки, адабиётимизда Фарид Усмон отлиғ ёрқли шоир мавжудлигини эл билсин, ардоқласин.

Фарид Усмон анча илмли шоир. У мумтоз адабиётимизни яхши ўрганган, ғазал жанри сир-синоатларини анча дадил ўзлаштира олган, шу билан ўзига яраша, оҳори янги йўсин топа олган шоир. Унинг Алишер Навоийнинг айрим ғазалларига назира тариқасида ёзганлари ҳам бор, бу тақлид эмас, ўрганиш, тўғрироғи пир олдида имтиҳондан ўтиш ёки ижодий қаддини ростлаб олиш демакдир. Масалан, бир ғазалининг бошланғич байтига назар ташланг:

***Сенга топширдим инону ихтиёримни ниҳон,***
***Демасангда ошкора бўл менга, бўлдим сенга.***

Ушбу ғазал охирги қуйидаги сатрлар билан якун топади:

***Ғуссасиз кўнглимда ишқ — устоз Навоийдан наво,***
***Шеър ҳам эрмас, Фарид, сернаво бўлдим сенга.***

Шоир ўзликни англаш, миллат ғурури, она тил сурури, уни қадрлаш каби олий мақсад, азиз туйғулар билан суғорилган ғазаллар яратадики, ўқувчи бу қуйма сатрларда ҳайратга тушиб, шеърий ибораларидаги халқона байтларни ёдлаб олиши мумкин. Мана, “Она тилимга” ғазалида:

***Очилур ҳар гул сенинг чеҳранг эрур,***
***Кел, ўпиб қўяй дудоғингдан, тилим.***
***Онадурсан, меҳрибон, асло жудо —***
***Айлама ўтли қучоғингдан, тилим.***

каби мусиқийлиги ҳар бир шеър радифига сингиб кетган пурмаъно сатрлардан ким ҳам руҳланмайди дейсиз. Қадимдан девон тузиш катта шоирларга хос қобилият-ижод бўлиб келган. “Руҳ булбули” девонига киритилган муҳаммас, мусаддас, мустазод, рубоий, қитъа ва фардларнинг ҳам бадиий пишиқлиги эҳтиросли шоирнинг ўзлигини намоён этиб турибди. Мана шоирнинг яна бир рубоийси:

***Бу этак, буниси енг деб алдандик,***
***Бизга бой-камбағал тенг деб алдандик.***
***Аслида тор экан кулбаи олам,***
***Атрофга боқмасдан кенг деб алдандик.***

Яқинда Андижонда Фарид Усмоннинг ушбу девони тақдимоти бўлди. Катта ижодий кечага айланиб кетган анжуманда шоирнинг ҳақиқий мухлислари жамулжам бўлди. Уни бу муваффақият билан қутлайман.

Хуллас, иқтидорли сўз устаси, Фарид Усмоннинг Тошкентдаги “VORIS-NASHRIYOTI” томонидан чоп этилган “Руҳ булбули” шеърий китоби мухлислар учун кутилмаган туҳфа бўлибди. Қалбимизда меҳр-муҳаббат оловлари мангу ёнар экан, биз ҳар доим мана шундай яхши шеърларнинг харидори бўлиб қолаверамиз.

**Тўлан НИЗОМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

ШЕЪР ВА ШУУР

## *Ишқ — асли азалдан дард эрур*



**Муҳаммад Исмоил**

*Мени кучлироқ сев,*
*кечагидан ҳам,*
*Керагидан ортиқ,*
*кечагидан кўп.*
*Кеча қолмас эди юрагимда ғам.*
*Кеча севар эдинг*
*керагидан кўп.*
*Ҳар лаҳза юз бора мени сўзлардинг,*
*Ларзага тушардинг*
*ҳар лаҳза юз бор.*
*Юзларинг кўкариб, юз бор бўзлардинг,*
*Юз бор улуғлардим,*
*юз бор бўлсанг хор.*
*Бугун ҳам сен мени кечагидай сев,*
*Кеча буни сендан сўрамагандим.*
*Эртага емасин юрагимни дев—*
*Кечани қўмсаган азиятларим.*
*Кеча сен мен билан эдинг хонзода,*
*Мен ҳамон муҳаббат элтган ойдаман.*
*Мен билан бирга бўл сархуш фазода,*
*Кечагидай сев ва кетма самодан.*
*Қоқ икки бўлиниб кетмасин фалак,*
*Гоҳ икки бўлиниб, бўзламасин ой.*
*Фақат сени дея уради юрак,*
*Фақат сен учундир кўксимдаги жой.*

* * *

*Бир сир бор оташдир чўғ каби*
*У асло бўғзингдан кетмасин.*
*Севгининг, бор ёлғиз талаби,*
*Сев, аммо севаман демагин.*

*Ишқ — асли азалдан дард эрур,*
*Хасталар ҳеч қачон енгмаган.*
*Чоҳ ичра аламли шарт келур,*
*Шоҳ каби демагин — “Севаман”.*

*Шодлигинг ортмайди айтсанг гар,*
*Ва ёки камаймас дилда ғам.*
*Сохтага айланар муқаррар,*
*“Севаман” демагин севсанг ҳам.*

*Айтдилар у севги сўнганда*
*Ё йўқлиги бўлганда аён.*
*Ва ёки поймона тўлганда*
*Бу калом айтилар, сен, ишон.*

*Мен ҳам кўниб қалбим арзига*
*Ишқим сўзлаб, қилгум бор даъво.*
*Аммо айтмоқ севги ҳақига*
*Хиёнат ва энг оғир жазо.*

* * *

*Тобора гуриллаб ёнмоқда олов*
*Тобора каттароқ, тобора кенгроқ.*
*Тобора ўзимга билмасман аёв,*
*Тобора каттарар кўксимда ингроқ.*

*Тобора пойингга боряпман чўкиб*
*Тобора адашиб, тобора сармаст.*
*Тобора сен менга азизроқ бўлиб,*
*Ўзимдан тонмоққа қилмоқдаман қасд.*

*Тобора ҳуснингга телбаман-телба,*
*Тобора бошимга урмоқда қисмат.*
*Тоғдай роҳатимни совурдим елга,*
*Ўрнига топмадим хасча ҳаловат.*

*Туйғулар ёнмоқда, идрок ёнмоқда,*
*Ёнмоқда шиддатли, тобора асов.*
*Бир жонсарак нафас сарсон томоқда.*
*Тобора гуриллаб ёнмоқда олов.*

* * *

*Биздан бўлак ҳеч ким йўқ,*
*Бўлса шундай сайёра.*
*Сенга севгим айтардим,*
*Ҳар лаҳзада минг бора.*

*Муаттар чаманзорда,*
*Сен осмон мен ер бўлиб.*
*Юз йилларки ўтирсам,*
*Кўзларингга термулиб.*

*Соғинчларим билмай дош,*
*Ёнғинга айланса гар.*
*Ундан миллионта қуёш*
*Исинарди муқаррар.*

*Сенла ёлғиз қолсайдик,*
*Биздай куйган қайда бор.*
*Яна минг йил яшардик,*
*Яна минг бор бахтиёр.*

* * *

*Эртага ҳижронлар тугар-у,*
*Беқарор муҳаббат бошланар.*
*Бизлардан кетади ғам-қайғу,*
*Кўзларим қувончдан ёшланар.*

*Термулиб ҳуснингга телбадай,*
*Термулиб-термулиб тўймадим.*
*Ҳаётим адашар изидан,*
*Қинидан чиқади юрагим.*

*Пойингга ташлаган гулларим,*
*Кўкдаги юлдуздай сочилган.*
*Нур билан баргига уларнинг,*
*«Севаман» сўзлари ёзилган.*

**ҚИЁС**

*Сен севасан мени жуда-жуда ҳам оз.*
*Қанчалик кўп севишимга айтай қиёс:*
*Сенинг севгинг битта томчи*
*бўлса агар,*
*Сенга севгим, тинмай ёққан*
*ёмғир қадар!*

**ДУО**

*Тангрим, бир юрак бер,*
*оташ бер қайноқ*
*Меҳру-муҳаббатим билмасин поён.*
*Шу элни, шу юртни, алқаб беадоқ,*
*Севиб яшай ҳар он,*
*ҳар кун, ҳар қачон!*

* * *

*Сиз менга қуёшсиз,*
*Мен сизга кимман?!*
*Мен сизни севаман,*
*Сиз-чи? Билмасман...*
*Бу севги бағримни*
*Тилгани тилган.*
*Сизни деб телбаман,*
*Сиз-чи? Билмасман...*
*Бир сизни деганман*
*Ташлаб кетмасман.*
*Хиёнат қилмасман,*
*Сиз-чи? Билмасман...*

## *Кўзларимга гўзал кўринар ҳаёт*



**Туроб НИЁЗ**

**СЕНИ КЎРСАМ**

*Нега сени кўрсам титраб кетаман,*
*Нега вужудимда қурийди сабот?*
*Кўкдаги қуш каби йайраб кетаман,*
*Кўзларимга гўзал кўринар ҳаёт.*

*Ахир биламан-ку, ҳаммаси бекор,*
*Ҳаммаси тугаган, севги ҳам абас.*
*Лекин сени кўрсам қулайди девор,*
*Гўёки ҳеч нима юз берган эмас.*

**ГУЛЛАР ХИРА ТОРТАДИ**

*Сенинг ҳуснинг олдида гуллар*
*хира тортади,*
*Булоқ сувидан тоза нурлар*
*хира тортади.*

*Қанчалик мафтункордир*
*тоғлардаги лолалар,*
*Сен-ла турса ёнма-ён улар хира тортади.*

*Кўзларингни қамаштириб,*
*ёнса ҳамки оловдек,*
*Юзларинг жилвасидан дурлар*
*хира тортади.*

*Балки жаннат боғларида*
*топилмагай тенглари,*
*Сен-ла келса юзма-юз ҳурлар*
*хира тортади.*

*Нафақат бу заминда, ҳуснингга*
*тоб беролмай,*
*Кўкдаги ой, юлдузлар,*
*кунлар хира тортади.*

**ҚАЛБИНГГА КИРМОҚ ИСТАЙМАН**

*Мен сенинг қалбингга кирмоқ*
*истайман,*
*Қалбингни яқиндан кўрмоқ истайман,*
*Қалбингда умрбод турмоқ истайман,*
*Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.*

*Чунки билолмадим, не бор қалбингда?*
*Фақат йўқ деган сўз учар лабингдан,*
*Сенга етолмадим қанча талпинмай,*
*Мен сенинг қалбингга кирмоқ истайман.*

*Ахир жонга тегди аросат, сароб,*
*Бу ҳолда бутунлай бўлурман хароб,*
*Ниҳоят йўл олдим қалбингга қараб,*
*Мен сенинг қалбингга кирмоқ*
*истайман.*

*Манзил жуда олис, балки етмасман,*
*Лекин бу орзумдан кечиб кетмасман,*
*Тақдирдан ўзга бир омад кутмасман,*
*Мен сенинг қалбингга кирмоқ*
*истайман.*

**ЎТГАН ДАМЛАР**

*Ўтган тотли дамлар ортга*
*қайтмайди,*
*Қайтмайди улардан олинган лаззат.*
*Лекин ҳеч бир нарса беиз кетмайди,*
*Ширин хотирага айланар албат.*

*Эй, гўзал малагим — ширин хотирам,*
*Бугун бегонамиз — ишогим келмас.*
*Вақтни қайтармоққа илож йўқ сира,*
*Бизни ҳам орқага қайтариб бўлмас.*

**ИШОН**

*Менга шубҳа билан қарама дўстим,*
*Ҳар қандай дамда ҳам сен менга ишон.*
*Ёлғон деб ўйлама бу айтган сўзим,*
*Хиёнат қилмасман сенга*
*ҳеч қачон.*

*Балки ёлғонлардан чарчагандирсан,*
*Ҳаттоки қатиқни ичарсан пуфлаб.*
*Аммо ҳали мендан кечмагандирсан,*
*Қалбингда ишончни оларсан*
*тиклаб.*

## Тонгнинг борар манзили — Қуёш

**Марица Бодрожич — Европанинг таниқли ёзувчиларидан бири. У 1973 йилда Хорватияда туғилган. 1983 йилдан бери Германияда яшайди. Немис тилида ижод қилади. Инглиз, француз, испан тилларини пухта ўрганган.**

**“Тито ўлди” ҳикоялар тўплами адибага шуҳрат келтирди. Бу китоб учун у учта нуфузли мукофот соҳибаси бўлди. “Ботиний лаҳзалар йиғинчиси” романи Роберт Бош жамғармаси стипендиясини икки марта қўлга киритди. Берлин Бадиий академиясининг Адабиёт мукофоти билан тақдирланган.**

**М.Бодрожичнинг “Битта пати-да ўзгармабди колибрининг” номли шеърий китоби босилган.**

**2007 йилнинг 27 февралида Марица хоним Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети немис филологияси факультети меҳмони бўлганди.**

**М.Бодрожичнинг асарлари ўзбек матбуотида оз бўлса-да эълон қилинган. Қуйидаги шеърлар эса таржимонларимиз томонидан махсус “Ҳуррият” муштарийлари учун тақдим этилмоқда.**



**Марица Бодрожич**

***ХЎРОЗ ҚИЧҚИРИҒИНИ***
*уйқунинг ўзи уйғотди.*
*Биз ёлғиз эдик. Шу танҳоликда*
*ўзимни унутиб қўйдик.*
*Ҳатто исмимиз ҳам эсдан чиқибди.*
*Лекин идрок сўзга тобе бўлмаган пайтда*
*ўша беғамгина уйқу*
*бизда қўрқув уйғонган эди.*
*Одатий вақтда*
*одатий ҳолда*
*рақиб нелигини билмаган маҳал*
*шайландик итларни қувиб солишга.*
*Бизга ҳамроҳ бўлган*
*жаноб архивар*
*алмисоқдан аввал биларди бизни.*
*У фарзандларимизни биларди,*
*жигаргўшаларимизни биларди,*
*биларди амма, хола, тоғаларни ҳам,*
*танир эди гўрковларгача.*
*Биздан сўрадики, журъатингиз етишмайдими*
*бир овлоққа чиқиб*
*ёлғиз бўлишга?*
*Агар Вақт кенгаши*
*шу гапни айтса борди-ю*
*сиз ёлғиз бўлингиз.*
*Белгиланган соатда*
*адашиб кетишар сувратларингиз.*
*Тонг ўз номига эга*
*аҳдига содиқ мулозим.*
*Алдамчи эмас,*
*ҳаракатланса камайиб қолмайди,*
*заҳираси шаффоф;*
*нур, шуъла.*
*Енгил синади.*
*Ёрқин идрок,*
*унда бир алдов сояси*
*худди китоб битиклари аро*
*кезингандай сассиз.*
*Алдаб қайга-да кетарди,*
*борар манзили — Қуёш,*
*бу аниқ белгилаб қўйилган.*

***КЎПРИКДАН ПАСТГА БИР КИШИ***
*шиддат билан кетиб бормоқда,*
*паришон,*
*қўрқиб қолган Гёте*
*зиналар оша ҳавода сайр қиляпти.*
*Бировларнинг хаёлида минора.*
*Арвоҳлар каттакон стол теварагида*
*қўр тўкиб ўтиришибди.*
*Куйик ҳид анқияпти,*
*қиш интиҳоси.*
*Бир уммон шовуллаб*
*шиддат ила илдамлар,*
*қордан пастга қараб.*
*Яхши яшаш,*
*яхши кўрмоқ,*
*яхшигина воситачилик*
*жаҳоний мақомга молик.*
*Афсоналар аввалгидай сеҳрли эмас,*
*оҳори тўкилган улардаги қўрқинчнинг.*
*Аввалгидай эмас юлдуз ёғдуси,*
*ваҳм йўқ ҳеч қайда.*
*Фусун бор эди сенинг севгингда.*
*Йиғиб бўлмас нарсаларни йиққанинг маҳал*
*афсона афсонадагидай эди.*
*Уйда бўлиб завқланганинг*
*осойишталикдан ором олганинг,*
*бу ўша,*
*ҳа, ўша туйғу эди,*
*ҳали ном олар даражада шаклланмаган,*
*ғоятда ёқимли,*
*дилкашлик имконин*
*ҳадя этувчи*
*бир туйғу,*
*шинамликда*
*таваллуд топган.*

***СЕВИШГАНЛАР — ДОИРАДАН ТАШҚАРИДА,***
*ўз шажарасини унутган одамлар,*
*архивни титкилаш учун*
*берилган ижозатномани йўқотганлар.*
*Аждодлари ўзгача гул ифоридан маст бўлишган,*
*лой ҳиди келарди фикрларидан,*
*товушсиз қадамларида ҳам лой ҳиди.*
*Йўғон овоз-ла ясалган нутқ*
*рағбат ҳиссини уйғотмади ҳеч.*
*Ҳовлига тўпланишган сотувчилар*
*кафтларида сўйилган ҳайвонларнинг илиққина қони*
*ялтирар. Безакка менгзайди.*
*Бехосдан одамлар*
*“Бир-бирингизни ошкора қўлланг!”*
*деган иборани*
*унутиб юборишди.*
*Улар романлар ёзишди,*
*ҳўл бўлган чойшаб*
*жумбоғини очишди.*

*Сохта тушлар дарбозалари*
*уларнинг гапига суфлёрлик қилди.*
*Актёрлар кун бўйи қора кийишарди,*
*ва буни санъат деб ҳисоблашарди.*
*Саҳна ортида*
*нарвонларни шундайлигича қолдирдилар.*
*Шу боиски*
*бугун ҳам*
*у ер-бу ерда пичан ҳиди анқийди,*
*майсалар шитирлаб куйлайди,*
*боғларга аён*
*поя ноласи*
*шунинг учун ҳам.*
*Аммо, қиём қиёмлигича қолди,*
*унутилиш,*
*яна унутилиш аро*
*барча касблардан*
*юмушлардан мосуво ҳолда*
*унинг ўзига хос кўланкаси*
*товушсиз, товушсиз кетиб боради.*

*[1]Ирида — грек мифалогиясида худолар вакиласи.*

***Немис тилидан Маҳмуда ТУРСУНОВА ва Баҳром РЎЗИМУҲАММАД таржималари.***

